

КОРХОНАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Холбеков Улуғбек Тошпўлат ўғли

Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Ҳозирги вақтда корхоналар амалиётида стратегик бошқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу уларнинг ваколатини кенгайтириши ҳамда ўзларининг иқтисодий самарадорлик учун жавобгарликлари даражасининг ошганлиги билан боғлиқдир. Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис корхоналарга энг замонавий техника ва технологияларни жалб этган ҳолда инновацияларни жорий этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади. Ҳозирги вақтда корхоналарнинг кўпчилиги ўз тараққиётининг концепциясини, стратегиясини ҳамда дастурини ишлаб чиқиши зарур.

Ҳар қандай корхонанинг узоқ муддатли ютуқлари ишлаб чиқилган стратегияга боғлиқ бўлади. Агар корхонанинг ривожланиш стратегияси бўлмаса у ёки бу хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол корхонага бозорда барқарор ва мустаҳкам ўрин эгаллаш учун имкон бермайди. Замонавий илм-фан ва амалиёт стратегик режалаштириш ҳамда бошқаришнинг катта тажрибасига эга, аммо кўпгина стратегиялар ҳалигача ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослаша олмаяпти. Бу ҳали ҳанузгача стратегик бошқаришнинг барча муаммолари ҳам ўз ечимини топмаганлигини кўрсатадики, бундай ҳол, биринчи навбатда, корхона ривожланиши стратегик барқарорлигининг механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда корхоналар фаолияти жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир вақтда соҳанинг ЯИМ даги улушини янада ортириш учун унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлмоқда. Қуйида иқтисодий смира, самарадорлик тушунчалари ва уларнинг моҳияти ҳамда унинг туризмдаги аҳамиятига тўхталиб ўтамиз. Ўзбекилининг изоҳли луғатида “самара” ва “самарадор”, “самарадорлик” каби тушунчалар фарқланган.

Луғатда юқоридаги тушунчаларга қуйидагича изоҳ берилган: Самара бу натижа, оқибат, меваси, деб қаралади. Самарадор тушунчаси эса кутилган ёки ундан ортиқ самара берадиган, самарали, сермахсул деб изоҳланган.

Самарадорлик тушунчасини биринчи марта фанга италия олими Вильфредо Парето (1848-1923) киритган. У чегараланган ресурслар бозорида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. Ушбу олим изланишлари ва тадқиқотлари натижасида “самарадорлик-бу, бозордаги шундай вазиятки, унда бирор киши бозордаги ўз ҳолатини бошқага халақит бермасдан ўзгартира олмайди”⁷ деган

хулосага келади. Шу тариқа бу самарадорлик “Парето самарадорлиги” деб аталади.

Ўзбекистонда ҳам бир қатор олимлар самарадорлик масалалари бўйича турли илмий изланишлар олиб боришганлар, хусусан и.ф.д., профессор М.Қ.Пардаев, и.ф.н., профессор Б.А.Абдукаримов каби етакчи олимларимиз ўз илмий изланишлари натижасида “Самарадорлик-бу содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижа билан яқунланганини ифодалайди”⁸ деб изоҳ беради. Шунингдек бу олимлар томонидан “иқтисодий самарадорлик” тушунчалари атрофлича ўрганилган ва қуйидагича изоҳланган: “иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий нематлар ҳажми билан ифодаланади.

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда. Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Ўзбекистонни ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиётига, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноатга, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик муҳитига эга жадал ривожланаётган мамлакатга айлантириш долзарб вазифа сифатида белгилаб олинган. Қўйилган мақсадларга Ўзбекистонни ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб эришиш мумкин эмас, бу мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади. Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Инновацион ривожланиш агентлиги ташкил қилинди¹.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг асосий муаммоларидан бири шундаки, мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион асосларга ўтказиш масалаларини ҳал қилишнинг инновацион сифат ва ва механизмлари тўла-тўқис ишлаб чиқилгани йўқ. Мамлакатимизда инновацион ғояларнинг туғилишига ва уларни тижоратлаштиришга ёрдам берувчи тўлақонли

¹ <https://innovation.gov.uz/static/agentlik-haqida>

инновацион муҳит мавжуд эмас. Бу инновацион ривожланиш соҳасида мустақкам қонунчилик базасининг яратилмаганлиги билан боғлиқ. Юқорида тилга олиб ўтилган муаммоларнинг ечими бизнинг фикримизча қуйидаги иккита ҳолат билан боғлиқ. Бу, биринчидан, бугунги кунда дунёнинг барча тараққий этган мамлакатларида шаклланиб улгурган миллий инновацион тизимларнинг таркибига кирувчи институтлар ва ташкилотларнинг умумийлиги сифатида инновацион тараққиётга ижобий таъсир кўрсатувчи ташқи шарт-шароитларни яратиш зарурияти билан белгиланса, иккинчидан эса, хўжалик юритувчи субъектларда бутун бир инновацион цикл давомида ғояларнинг туғилиши ва уларнинг тижоратлашувига имкон берувчи инновацион салоҳият – ички муҳитнинг мавжудлиги билан белгиланади. Инновацион муҳит сифатида баҳоланувчи ички муҳит ва ташқи шарт-шароитларнинг ўзаро уйғунлиги самарали инновацион фаолиятни амалга оширишнинг асосий шarti ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Иновацион муҳитни шакллантириш

Инновацион жараён барча бўғинларининг самарали фаолият кўрсатишини таъмин этувчи зарурий инновацион муҳитни яратиш учун инновацияларни амалга оширишнинг барча ички ва ташқи омилларини ўзаро ҳамоҳангликда ривожлантириш талаб этилади. Янгиликлар (бизнес ғоялар, инновацион лойиҳалар)ни яратиш ва уларни амалга оширишнинг энг муҳим шarti инновацион фаолият субъектлари (тадбиркорлар, инновацион жамоа, фаолият кўрсатувчи компаниялар)да турли-туман ресурсларнинг умумийлиги билан тавсифланувчи инновацион салоҳиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Тадбиркорлар инновацион компанияни ташкил этиш босқичида зарур ресурсларнинг барчасига ҳам эгалик қила олмасликлари мумкин, шундай

бўлсада инновацион фаолиятни амалга ошириш чоғида уларга эгалик қилишга интилиш ва уларнинг зарур эканлигини англаб етиш энг муҳим шарт ҳисобланади. Потенциал ҳар доим мақсаднинг ички имкониятларининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Фаолият кўрсатувчи компанияда инновацион стратегия ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ҳам, ўз навбатида инновацион салоҳиятнинг асосий компонентлари мавжуд бўлишини тақозо этади. Ушбу вазиятда, санаб ўтилган ресурслар илмий –техник салоҳият, ишлаб чиқариш-технологик салоҳият, молиявий-иқтисодий салоҳият ва кадрлар салоҳияти сифатида тартиблаш мумкин бўлган компания умумий ресурс салоҳиятининг ажралмас бир бўлаги саналади. Шу боис, инновацион потенциал ҳақида гапирганда, инновация учун зарур бўлган ресурслар мавжудлигини эмас, балки улардан самарали фойдаланиш имкониятларини ҳам ёдда тутиш керак.

Инновацион жараёнда барча йўналишларнинг самарали ишлаши ва илмий ишланмаларнинг тижоратла-шувини амалга ошириш учун, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инновацион ривожланишга имкон берувчи ташқи шароитларни яратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/5841063>

2. И. Хотамов, Ш. Мустафакулов, М. Исаков, А. Абдувалиев. Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт, 2019 й., 334 б

3. Расулов Н. Ўзбекистонда қулай инновацион муҳитнинг шаклланиши ва ривожлани- шининг назарий асослари.//Материалы XI Форума экономистов. Ташкент: IFMR, 2019.187–193 бет.